*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 24 март ● сешанба ● № 11 (628) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz

// Юртда Наврўз нафаси

## Минг йилликлар оша яшаган айём!

### Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилган тантана юртимиз бўйлаб давом этмоқда







**ДОНИШМАНД боболаримиз, нуроний момоларимизнинг асрлар оша яшаб келаётган бир нақли бор: “Яхши одам кўзидан, янги йил Наврўзидан”, деган.**

ИЛЛО, бу йилги Наврўз юртимизга тўкин-сочинликдан, фаровонликдан, маъмурчиликдан дарак олиб келди. Қадим манбаалардан маълумки, йилбоши, яъни, Наврўз ёмғир билан кириб келган йил — серёғин, серҳосил, бободеҳқонлар учун сердаромад йил бўлади. Бу йилги Наврўзимиз юрт остонасини ёмғир билан ҳатлади. Яна бобо-ю момоларимизнинг нақллари билан айтадиган бўлсак, яратганнинг ерга бергани, элга, элулуснинг дастурхонига берганидир.

Бугунги ёшларга бундан атиги ўн саккиз йил аввал мана шу муборак байрамни яширинча ўтказганмиз десангиз, кўпчилиги ишонмайди. Зеро, бу бор гап. Рост гап. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритиб, Юртбошимиз Наврўзи оламни умумхалқ байрами сифатида ўтказиш ташаббуси билан чиққанларига қадар, миллатимиз каби, Наврўз ҳам озмунча қатағонларни бошидан ўтказмади, дейсиз. Ваҳоланки, минг-минг йиллик тарихга эга бу байрамни сира йўқотиб бўлмасди. Шундай бўлди ҳам. У бугун бутун бўй-басти, ҳусни жамоли, файзу таровати билан юртга қайтди.

21 март. Пойтахтнинг қоқ юрагидан жой олган Ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоий бобомиз номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилди. Бугун ана шу муқаддас даргоҳда мамлакат раҳбари, депутатлар, сенаторлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлат элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олим-у шоирлар, созанда-ю хонандалар, хуллас, юртнинг, миллатнинг, мамлакатнинг жонкуяр фарзандлари жамланиб, бир-бирларини, халқимизни, Наврўзи олам билан муборакбод этишади. Қутлашади.

21 март. Соат 10 дан 45 дақиқа ўтганда майдонга мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов кириб келди. Йиғилганлар Юртбошимизни қарсаклар билан кутиб олишди. Сўз Ўзбекистон Республикаси Президентига берилди. Мамлакатимиз раҳбари барчани муборак айём билан қутлар экан, жумладан шундай деди:

**“... Бугунги кунда бутун халқимиз янги йилда ўз олдимизга қўйган юксак вазифа ва марраларни амалга ошириш йўлида белни маҳкам боғлаб, эртанги кунга катта ишонч билан меҳнат қилмоқда.**

**Айниқса, фидойи деҳқонларимиз ва фермерларимиз 2009 йилга “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб берилганидан руҳланиб яхши ният ва азму шижоат билан бепоён далаларимизда янги мавсумни бошлашмоқда.**

**Халқимизда азалдан янги йилнинг серҳосил ва омадли бўлиши Наврўзнинг қандай келишига, уни қандай кутиб олишингга боғлиқ, деб бежиз айтмайдилар.**

**Баҳор фаслининг юртимизга серёмғир келиши, кузда эккан экинларимиз тобора кучга тўлиб, кўкка бўй чўзаётгани, ўлкамизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, Наврўз айёмини мана шундай шукроналик ва мамнунлик кайфиятида, хурсандчилик билан кутиб олаётганимиз — буларнинг барчаси бу йилги кўзлаган юксак марраларимизга, орзу-ниятларимиз ва мақсадларимизга, албатта, эришамиз, деган ишонч туғдиради”.**

Илло, ана шу ишонч йил давомида ҳар биримизга йўлдош бўлсин. Элимиздан, юртимиздан, хонадонимиздан меҳр-оқибат, қут-барака аримасин.

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида ана шундай тоза ва эзгу ниятлар билан Наврўзга пешвоз чиққан халқимиз байрам сайилларини давом эттирмоқда.

**Ислом ҲАМРО,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

// Тадбир

## Ҳуқуқий мавзуда мақола тайёрлаш

### журналистлардан бу борадаги билимларини янада мустаҳкамлашни талаб этади

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ташаббуси билан суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, Адлия вазирлиги ва унинг тизимига кирувчи муассасалар фаолияти билан боғлиқ ОАВда эълон қилинаётган материаллар сифат ва мазмундорлигини ошириш, шу орқали фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида, Республика Юристлар малакасини ошириш марказида маҳаллий журналистлар ҳамда ҳудудий адлия бошқармаларининг ахборот хизматига масъул ходимлар учун махсус ўқув курси ташкил этилди. Кеча Республика Юристлар малакасини ошириш марказида мазкур ўқув курсининг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**



УНДА Адлия вазирлиги масъул ходимлари, 60 нафарга яқин журналист ҳамда ҳудудий адлия бошқармаларининг ахборот хизмати учун масъул ходимлари, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Албатта, ҳуқуқий мавзуда ёритилаётган материаллар сифатини яхшилиш, мазмунан бойитиш учун ижодкор журналистларнинг ҳуқуқ борасидаги билимлари етарли бўлиши лозим. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий ва марказий ОАВда эълон қилинаётган суд-ҳуқуқ мавзуидаги чиқишларнинг аксариятида у ёки бу қонун ҳужжатини шарҳлаш билан чекланилмоқда. Тезкорлик, шу билан биргаликда чуқур таҳлил мақолада муҳим аҳамият касб этиши сир эмас.

Шу каби ҳолатлар маҳаллий ва марказий ОАВларда ижод қилаётган журналистларнинг ҳуқуқ соҳасидаги билимларини янада орттиришга эҳтиёж сезилаётганини кўрсатади.

Юристлар малакасини ошириш марказида ўн кун давом этадиган бу ўқув курсида миллий қонунчилигиииздаги ўзгаришлар, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти юзасидан етук мутахассисларнинг маърузалари тингланади.

Яна бир эътиборли томони шундаки, тингловчилар марказий телевидениенинг информацион дастурлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва яна бир қатор идораларда амалий машғулотлар ўтайдилар. Тадбирда таъкидланишича, мазкур ўқув курслари ҳар йили ташкил этилиб, уларнинг айримлари адлия вазирлигининг ҳудудий бошқармаларида ҳам ўтказилиши режалаштирилган. Ўқув курси якунида синовдан ўтган тингловчиларга адлия вазирлигининг сертификатлари топширилади.

**Дилором МАТКАРИМОВА,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**



Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар

## МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА

**ЯККАБОҒ тумани ижтимоий таъминот бўлими томонидан Чойдари қишлоғида яшовчи фуқаро З.Саломовнинг ёзган аризаси кўриб чиқилди.**

### Ижобий ҳал этилди

2 ЁШГАЧА бола тарбиясида турган она учун ва вояга етмаган болаларга тўланадиган нафақа пуллари билан 1997 йилдан буён ўзини-ўзи бошқариш органлари, яъни қишлоқ (маҳалла) фуқаролар йиғинлари шуғулланишади.

Шундай бўлса-да, Чойдари қишлоқ фуқаролар йиғини раҳбарлари билан учрашганимизда Зиёджон Саломов фуқаролар йиғинининг олдинги раҳбарларига оғзаки мурожаат қилганлигини ва юқори ташкилотларга хат жўнатганлигини маълум қилди.

Ҳозирги қишлоқ фуқаролар йиғини раҳбарларига келиб мурожаат қилганида ҳужжатлари қабул қилинган ва ижобий ҳал этилган.

**Б.ДОВЕРОВ,**
**Яккабоғ тумани ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи**

### Чегара белгиланди

“ЛОША” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Лайлак” қишлоғида яшовчи фуқаро Муҳамедов Субхоннинг яшаб турган уй-жойи тегишли мутахассислар билан кўриб чиқилди, ушбу фуқарога тегишли бўлган ер участкаси чегараси белгилаб берилди.

**Н.ПЎЛАТОВ,**
**Бухоро тумани ҳокими**




**ПАХТАЧИ тумани Мисит ҚФЙга қарашли Ҳайит-Элбеги маҳалласида яшовчи фуқаро М.Облоқулованинг 2004 йилда туғилган қизи Ш.Облоқуловани Тойирова Малика исмли аёл бермаётганлиги ва боласини олишга ёрдам беришни сўраб “Инсон ва қонун” ҳуқуқий газетаси таҳририятига ёзган аризаси туман прокуратураси томонидан текширишлик учун туман ИИБга юборилган.**

### Ота-онасига топширилди

ТУМАН ИИБ томонидан ушбу ариза текширилиб, фуқаро М.Облоқулованинг фарзанди 2004 йилда туғилган Ш.Облоқулова М.Тоировадан 2009 йил 24 февраль куни олиниб, ўз ота-онаси қарамоғига топширилди.

**Ш.НОМОЗОВ,**
**Пахтачи тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси**

2 →

// Адлия ёрдам берди

### “Ишонч телефони” ишончли кўмакдош

4 →

### Баҳор бўлиб яшайлик...



3 →

// Эксперт хотиралари

### Тилсиз гувоҳлар

2 →

### Рухсатсиз текширувлар

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида тадбиркорликни ривожлантиришга яна бир бор тўхталиб, “жорий йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда” деб таъкидлади ва янги иш ўринлари яратиш ҳамда банд аҳоли даромадининг аксарият қисми улар улушига тўғри келишини кўрсатиб ўтди.**

## Адлия ёрдам берди

# “Ишонч телефони”

## ишончли кўмакдош



**ТОШКЕНТ ШАҲАР адлия бошқармасининг “Ишонч телефони”га фуқаролар, юридик шахслар ва тадбиркорлик субъектларидан ҳуқуқий тушунтиришлар сўраб ёки қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан мурожаатлар келиб тушмоқда.**

УШБУ мурожаатларни кўриб чиқишда асосий эътибор тегишли жойларга тақдимномалар, даъво аризалари киритиш орқали уларнинг бузилган ҳуқуқларни суд тартибида тиклаш, қонун бузилишида айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириб бериш, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ёки ижросини тўхтатишга қаратилмоқда. Хусусан, 2008 йилда адлия бошқармаси “Ишонч телефони”га 158 та, жумладан, фуқаролардан 32 та, тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвестиция ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан 126 та мурожаат келиб тушган.

Улардан 88 тасида амалдаги қонун ҳужжатлари юзасидан ҳуқуқий тушунтириш сўралганлиги фуқаролар ва масъул шахсларнинг ўз билимларини кенгайтиришга интилаётганини билдириб турибди. Қолган 70 та мурожаатда фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш, бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклашда ёрдам кўрсатишимизни сўрашган. Ўрганишлар натижасида улардан 56 таси қаноатлантирилиб, 5 та мурожаат асоссиз деб топилди ва мурожаат қилганларнинг 9 нафарига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Адлия бошқармасига Сирғали тумани “Дўстлик” даҳасида яшовчи фуқаро И.Бельковский 2008 йил октябрь ойидан буён ойлик-маош ололмаётганлигини маълум қилган. Шу масала юзасидан бошқарма ходимлари олиб борган ўрганишларда “Мақсад бир” масъулияти чекланган жамияти 2008 йил октябрь ойи учун ишчи ва хизматчиларга 5.004 780 сўм, ноябрь ойи учун эса 12 386 133 сўм миқдорида маош тўламаганлиги маълум бўлди. Ишчи-хизматчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун “Мақсад бир” МЧЖга нисбатан фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига даъво аризалари киритилиб, ойлик-маошлар ундириб берилишига эришилди.

Юридик шахслар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларидан “Ишонч телефони”га келиб тушаётган мурожаатлар сони ортаётгани уларнинг бизга бўлган ишончини ифодалайди, албатта. Масалан, Чилонзор туманида жойлашган “UZKANS-SAVDO” МЧЖ раҳбари МЧЖ ҳисоб рақамига келиб тушиши назарда тутилган 50.000 000 сўм миқдоридаги маблағни “Ипак йўли”банки амалиёт бошқармаси ходимлари асоссиз равишда банкнинг депозит ҳисобига ўтказганидан норози бўлиб, бу муаммони қонуний ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатилишини сўраган. Ушбу мурожаат атрофлича ўрганилиб, тадбиркорлик субъектининг талаби қондирилди.

Адлия бошқармаси томонидан “Ишонч телефони”га келиб тушган хорижий инвестиция ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, шу жумладан, шартномавий муносабатларни тартибга келтиришни назарда тутган мурожаатлар батафсил ўрганилаётир. Жумладан, пойтахтимиздаги “GELEN” хорижий корхонаси ва “Rubber technical Rroducts” қўшма корхонаси раҳбарининг Тошкент шаҳар ва вилоят божхона бошқармалари томонидан хорижий инвестиция иштирокидаги хомашёни божхона расмийлаштирувидан ўтказилаётганда қонунчиликда назарда тутилган имтиёзларни қўллаш рад этилгани ҳақидаги мурожаати ўрганилди. Натижада Тошкент шаҳар ва вилоят божхона бошқармаларига нисбатан хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналардан ортиқча олинган 25. 170 680 сўм миқдоридаги бож тўловларини ундиришни сўраб, Тошкент шаҳар хўжалик судига киритилган даъво аризаси суд томонидан тўлиқ қаноатлантирилиб, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатлари тикланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, “Ишонч телефони”га келиб тушаётган ҳар бир мурожаат хусусиятига қараб, масъул ходимлар томонидан ўрганилиб, қонуний ечим топмоқда. Чиндан ҳам фаолиятимиз жараёнида “Ишонч телефони” фуқаролар, жисмоний ва юридик шахсларга энг ишончли, тезкор, ҳуқуқий ҳимоячи сифатида кўмакдош бўлаётир.

**Хайриддин ФАЙЗИЕВ,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи**

---

## Адлия аралашгач...

# Қарзни “унутиб” қўйиш

## яхшиликка хизмат қилмайди

**НАВОИЙ вилояти адлия бошқармаси томонидан Хатирчи ва Кармана туманларидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ўрганилганда “Хатирчи пилла хазинаси” хусусий корхонасининг корхона ва ташкилотлар олдидаги 7 498 447 сўмлик муддати ўтган дебиторлик қарзлари ҳеч кимни ташвишга солмаётгани аниқланди.**



ШАРТНОМАЛАР бажарилиши юзасидан Хатирчи тумани ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядида ўтказилган таҳлилда шартномалар асосида бажарилган хизматлардан юзага келган қарздорлик бўйича ҳам чоралар кўрилмагани, вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритилмагани аниқланди.

Ёки Хатирчи тумани МТП АЖнинг “Анвар Шукур ўғли Шамс” фермер хўжалиги олдидаги 540 000 сўмлик, “Асад Рўзимурод” фермер хўжалигида 6 164 442 сўмлик, “Асақул Суянов Барҳаёт” фермер хўжалигида 600 372 сўмлик дебиторлик қарзлари муддати ўтказилган ҳолда сақланиб келинган.

Кармана тумани электр тармоқлари корхонасидан 149 та ташкилотнинг 1 540 541 078 сўмлик дебиторлик қарзи мавжуд бўлиб, шундан 92 та ташкилотники, яъни 1 817 320 443 сўмлиги муддати ўтган дебиторлик қарзларидир. Масалан, корхонанинг “Истиқлол” фермер хўжалиги олдидаги 972 186 сўмлик, “Отабек Нодирбек” хусусий фирмаси олдидаги 5 484 946 сўмлик, “Янги ҳаёт” фермер хўжалиги олдидаги 1 962 500 сўмлик муддати ўтган дебиторлик қарзлари “унутиб” қўйилганлиги ташвишли ҳолдир.

Бундан кўриниб турибдики, юқорида номлари кўрсатиб ўтилган корхона ва ташкилот мансабдор шахслари томонидан Президентимизнинг 1154-сонли Фармони, МЖтКнинг 175-модддаси, 3-қисми талаблари қўпол равишда бузилган.

Вилоят адлия бошқармасининг маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги таклифига биноан ҳуқуқбузар раҳбарлар – Хатирчи МТП АЖ раиси И.Ғаффоров ва бош ҳисобчи Л.Фепогеева, Хатирчи тумани ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази отряди бошлиғи Х.Файзиев ва бош ҳисобчи Ф.Нуримов, “Хатирчи пилла хазинаси” хусусий корхонаси бошлиғи У.Маманов ва Х.Жиянов, Кармана электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Б.Хидировларга МЖтКнинг 175-моддаси, 3-қисми билан ҳар бирига 280 минг сўм миқдорида жарима жазоси қўлланилди.

**Баҳодир ҚАРШИЕВ,**
**Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

---

### Одам савдоси — жирканч иллат

**МАЪЛУМКИ, айни пайтда одам савдоси жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган трансмиллий жиноят саналади. Ушбу жиноят хавфлилик даражасига кўра, наркотиклар ва қурол-яроғларнинг ноқонуний савдосидан кейинги учинчи ўринни эгаллайди. Айниқса, у сўнгги ўн йил мобайнида кенг илдиз отди.**

БУ ЖИНОЯТГА қўл ураётганлар шубҳасиз виждони ва иймонини унутган, ўз нафси йўлида ҳеч қандай разилликдан қайтмайдиган кимсалардир. Бинобарин, бу жирканч иллатга чек қўйиш, унинг олдини олиш мақсадида юртимизда қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Фарғона шаҳридаги “Хўжамағиз” маҳалласида бўлиб ўтган “Одам савдоси — трансмиллий жиноят” мавзуидаги давра суҳбатида ана шулар хусусида сўз борди. Фарғона шаҳар 2-ФҲДЁ бўлими ва шаҳар 3-сон давлат нотариал идораси томонидан ташкил қилинган мазкур тадбирда ҳудуддаги уй бошқарувчилари ҳамда фуқаролар иштирок этишди.

**Дилфуза ҚЎЗИЕВА,**
**Фарғона шаҳар 2-ФҲДЁ бўлими мудири**

---

### Коллежда учрашув

**КОНСТИТУЦИЯНИНГ 37-моддасида ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқлари белгилаб қўйилган.**

ШУНИНГДЕК, Меҳнат кодекси ва бошқа тегишли мавжуд қонунлар фуқароларимизнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи баробарида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳуқуқларини ҳар томонлама кафолатлайди. Афсуски, айрим юртдошларимиз яратиб берилган қонуний имконият ва имтиёзлардан тўла фойдалана билмай, одам савдосидек мудҳиш жиноятнинг қурбонига айланиб қолмоқдалар.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан Бўстонлиқ тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатлари тўғрисида” деб номланган давра суҳбатида юқоридаги ҳолатлар ҳақида сўз юритилди.

Савол-жавоб тарзида ўтган йиғилиш якунида коллежнинг фаол ўқувчиларига адлия бошқармасининг эсдалик совғалари топширилди.

**Арофат НУРИДДИНОВА,**
**Тошкент вилояти адлия бошқармаси ходими**

---

### Интерактив давра суҳбати

**БУХОРО ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси томонидан Вобкент туманидаги 5-мактабда ўқувчи-ёшлар иштирокида “Бола ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида” мавзуида давра суҳбати ўтказилди. У “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини ўқувчи-ёшлар орасида тушунтириш ва тарғиб қилишга бағишланди.**

МАЪЛУМКИ, Ўзбекистон томонидан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва Факультатив протокол, ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенция, Болалар меҳнатининг оғир шаклларини йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенция ратификация қилиниб, уларда мустаҳкамланган муҳим қоидалар **“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”**ги Қонунда ўз аксини топган.

Жонли мулоқот ва интерактив тарзда ўтган давра суҳбати бола ҳуқуқларининг кафолатларига оид қонунчилик ижроси, боланинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, одам савдоси, хусусан, болалар савдосига қарши курашиш, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан тегишли мутахассисларнинг фикр ва мулоҳазалари тингланди.

**Маҳфуза НОРОВА,**
**Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими**

---

### Аниқ таклифлар билдирилди

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ адлия бошқармасида Президентимизнинг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида”ги Қарори ижроси юзасидан семинар бўлиб ўтди.**

СЕМИНАР иштирокчилари Қарор тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-харажатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш йўли билан янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида қабул қилинганлигини таъкидладилар.

Шунингдек, бу борада йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартиби бўйича Қарор талаблари ижросини ўз вақтида тўлиқ таъминлаш лозимлиги ҳақида аниқ таклифлар билдирилди.

**Абдуҳошим МАДАТОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

---

## Қонундан четга чиқманг

# Рухсатсиз текширувлар

## корхона ривожига халақит беради

**(Давоми.**
**Боши биринчи бетда)**



Шундан келиб чиқиб, ҳозирда бизнинг энг асосий вазифамиз тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, текширишларни камайтириш ва турли ноқонуний аралашувларнинг олдини олишдан иборат бўлмоғи лозим.

Назорат қилувчи идора ходими текширишга борганда унинг асосий мақсади, тадбиркор фаолиятида тирноқ остидан кир қидириб, нимадир камчилик топиб, уни жазолашдан эмас, балки улар йўл қўйган хатоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, уларни кўрсатиб, керак бўлса, камчиликлар бартараф этилишида ёрдамлашиши, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонунчилик талабларини тадбиркорга тўлиқ тушунтириб, уларнинг тезроқ оёққа туриб олишига кўмакдош бўлишига қаратилмоғи керак.

Бироқ, айрим назорат қилувчи органлар томонидан ҳали-ҳануз тадбиркор фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолатлари учраб турибди.

Хусусан, Бандихон тумани ДСЭНМнинг 2008 12 сентябрдаги буйруғига асосан бўлим мудири томонидан тумандаги гўшт дўконларида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссияси рухсатисиз текшириш ўтказилган.

Ушбу аниқланган қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш учун адлия идоралари томонидан тақдимнома киритилиб, тақдимномага асосан камчиликка йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан ҳайфсан интизомий жазо чораси қўлланилди.

Худди шундай, Тахтакўпир тумани Давлат солиқ инспекциясининг ходимлари томонидан якка тартибдаги тадбиркор Б.Абибуллаевнинг фаолияти Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссияси рухсатисиз текширилган.

Мазкур ҳолат юзасидан адлия идоралари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси давлат солиқ бошқармасига тақдимнома киритилиб, тақдимномага асосан камчиликка йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Бундан ташқари, фуқароларнинг, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларини зудлик билан аниқлаш ва қонуний чоралар кўриш мақсадида Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идораларида жорий этилган “Ишонч телефони” (008 рақам) мунтазам равишда ишлаб турибди ва доимий тарғиб қилиб келинмоқда.

Зеро, “Ишонч телефони”га қилинган мурожаатлар бўйича ишлаш тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг самарали усулларидан бири ҳисобланади. Хусусан, Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳар “АТП-124-сонли” МЧЖ раҳбари Ш.Назаров электр энергия корхонаси ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб Адлия вазирлиги “Ишонч телефони”га мурожаат қилган. Мазкур ҳолат юзасидан Сирдарё вилояти адлия бошқармаси томонидан аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига такроран йўл қўйилмаслиги юзасидан огоҳнома киритилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларида доимий равишда ишлаб турган “Ишонч телефон”лари тадбиркорлар томонидан қилинаётган мурожаатларни қисқа муддатда, қонун талаблари асосида ҳимоя қилинишини таъминламоқда.

**Нўъмон МУҲАММАДИЕВ,**
**Шокир РАФИҚОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходимлари**

---

### Бугунги ҳаракат — эртанги баракат

**АСАКА ШАҲАР 2-сонли умумтаълим мактаби ҳамда Асака тумани қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш юзасидан семинар-машғулоти бўлиб ўтди.**

ТАДБИРГА Адлия вазирлиги, Асака тумани ҳокимлиги, прокуратураси, ички ишлар бўлими, Ер ресурслари давлат кадастри, туман 1 ва 2-сон давлат нотариал идоралари ва ФҲДЁ бўлими, “Маҳалла” жамғармаси, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, “Камолот” ЁИҲ, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилари ва кенг жамоатчилик жалб этилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган мазкур семинарда қишлоқ хўжалиги экинзорлари: боғлар, ғалла ва тут майдонлари пайҳон қилинишининг олдини олиш, шахсий қорамол ва уй ҳайвонларини қаровсиз қолдирмаслик ва унинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида сўз юритилди.

**Камолиддин ЖАЛОЛИДДИНОВ,**
**Андижон вилояти адлия бошқармаси ходими**

---

## Сохта иш — келтирар ташвиш

**ЮРТИМИЗ ИСТИҚЛОЛИНИНГ дастлабки кунларидан бошлаб аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига узлуксиз ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.**

# Қалбаки имзо

## ёки марҳум номидан салкам бир йил давомида пенсия пулини ўзлаштирган почтачи қилмиши

ЖУМЛАДАН, пенсионерларнинг пенсия пули миқдори бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда муттасил ошириб борилябти. Бироқ пенсия пулларини эгаларига ўз вақтида етказиб беришга масъул бўлган айрим кимсаларнинг қариялар омонатига кўз олайтиришаётгани жуда ачинарли ҳолдир.

Вилоят прокуратураси томонидан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар давомида ана шундай қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган. Хусусан, Термиз туманида мазкур йўналишда ўтказилган тадбирлар давомида Учқизил почта алоқа тармоғига қарашли “Намуна-1” алоқа бўлими хабарчиси Ж.Ҳасанов тумандаги “Намуна” СФУ ҳудудидаги “Ат-Термизий” маҳалласида яшаб келган, 2007 йил 13 октябрь куни 81 ёшида вафот этган Тошпўлат Бекнаевнинг вафотидан сўнг тегишли тартибда унинг номини давлат рўйхатидан чиқармаган ҳамда бу ҳақда туман ижтимоий таъминот бўлимига маълум қилмай, аксинча бу ҳолдан ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолишни кўзлаб, мансаб сохтакорлигига йўл қўйган.

Ж.Ҳасанов марҳум Т.Бекнаев номига 2008 йил 1 январдан 2008 йил 1 декабрь кунига қадар ҳисобланган 1 миллион 183 минг сўм пенсия пулларини ва коммунал тўловлар учун бериладиган 39,2 минг сўм жами 1 миллион 222,2 минг сўм бюджет маблағларини тўлов варақаларига марҳумнинг имзосини қалбакилаштирган ҳолда талон-торож қилган.

Мазкур ҳолат юзасидан 2009 йил 28 январь куни Учқизил почта алоқа тармоғи “Намуна-1” алоқа бўлими ходими Ж.Ҳасановга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси, 2-қисми, “б”, “в” бандлари ва 209-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Б.ХОЛЛИЕВ,**
**Сурхондарё вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори**



**ВАЗИРЛАР** Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 205-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Назорат

# Хорижий инвестиция

## иқтисодий тараққиёт омили



ХОРИЖИЙ инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлимига 2008 йилда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан жами 40 та мурожаат келиб тушди. Ушбу мурожаатларнинг 33 таси қаноатлантирилиб, 7 тасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

2009 йил 1 январь ҳолатига кўра, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар манфаатларини кўзлаб судларга жами 52 та даъво аризаси киритилди.

Жумладан, Яккабоғ туманидаги "Яккабоғтекс" Ўзбекистон—Германия қўшма корхонасининг 2008 йил 17 июлда адлия бошқармасига йўллаган аризасини ўрганиш давомида "Яккабоғтекс" қўшма корхонаси 2007 йил 30 майдаги аукцион орқали 100 тонна пахта линти ютиб олганлиги, аммо жавобгар "Қашқадарёпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси шартномада кўрсатилган 100 тоннадан 45 тоннасини сабабсиз бермасдан келаётганлиги аниқланди.

Адлия бошқармаси "Яккабоғтекс" қўшма корхонаси фойдасига жавобгардан етказиб берилмаган маҳсулот ҳақи ва пеня ундириш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво ариза киритди.

Ушбу даъво аризаси суд томонидан 2008 йил 4 декабрь куни кўриб чиқилиб, 9.942 АҚШ долларига тенг миқдорда асосий қарз ва 995 АҚШ доллари миқдорида пеня ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Республика ҳукумати томонидан мамлакатимизга тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай инвестицион муҳит яратиш, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий инвесторларга ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Шерзод ТОШПЎЛАТОВ,**
**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

Мутахассис фикри

# Адвокатура институтини ислоҳ қилиш

## кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш мезонидир

**ҲУҚУҚШУНОСЛИКНИНГ биргина соҳасига ихтисослашган юристлардан фарқли равишда адвокатлар ўз фаолиятлари давомида қонунчиликнинг турли институтларига мурожаат қилишларига тўғри келади. Шунинг учун ҳуқуқий соҳанинг барча йўналишлари бўйича билимларга асосланган юқори даражадаги касбий маҳорат, ҳар томонлама ривожланган интеллект, олий даражадаги мулоқот маданияти, кучли ташкилотчилик қобилияти — буларнинг барчаси ривожланган демократик ҳуқуқий давлат адвокатига хос бўлган фазилатдир.**

МАМЛАКАТИМИЗ раҳбарининг 2008 йил 1 май куни **"Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонининг эълон қилиниши адвокатура тизими ва адвокатлик фаолиятининг кафолатларини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. Унда адвокатурани ҳалол ва касб маҳорати юқори мутахассислар билан тўлдириш вазифаси қўйилган.

Шунингдек, ушбу Фармон фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини оширишга қаратилган муҳим вазифаларни ҳаётга татбиқ қилишда катта аҳамият касб этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 19 ноябрда қабул қилиниб, Сенат томонидан 4 декабрда маъқулланган **"Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонуни адвокатура институтини ислоҳ қилиш мақсадида ишлаб чиқилган муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Ушбу Қонуннинг қабул қилинишида кўпгина мақсадлар кўзда тутилган. Жумладан, жиноят процессида айблов ва ҳимоя томонларининг ҳуқуқлари тенглиги қонуний асосларини янада такомиллаштириш, адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига қўйилаётган талабларни янада кучайтириш, уларнинг юридик соҳа бўйича иш тажрибасига эга бўлиши ва адвокатлик тузилмаларида амалиёт ўташини белгилаш, адвокатура фаолиятини лицензиялашнинг самарали тизимини яратиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида фуқаролик жамиятини мустақил институт — адвокатуранинг ўзини ўзи бошқарадиган, марказлашган тизимини ташкил қилиш, адвокатлар томонидан қонун талаблари ва касб этикаси қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш механизмини ҳамда адвокатларга нисбатан интизомий иш юритиш тизимининг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришдир.

Янги қонун қабул қилингунга қадар мавжуд бўлган қонунчиликка мувофиқ адвокатлик мақомига эга бўлиш учун қўйилган талаблар етарли даражада эмасди, ушбу касб эгалари юксак ахлоқий талабга жавоб бериши лозимлиги ҳақида мезонлар йўқ эди, касбий кўникмага эга бўлмаган ходимлар ҳам адвокат бўлиб ишлаётганди. Эндиликда эса бу каби камчиликларга чек қўйилди, яъни адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан тегишли малака комиссияларининг қарорлари асосида берилади.

Шунингдек, Қонунга адвокатлик тузилмаларининг ваколатларини аниқлаштириш мақсадида якка тартибда фаолият кўрсатадиган адвокатлик бюроси, шерикчиликка асосланган ҳамда икки ва ундан ортиқ адвокат томонидан ташкил этиладиган адвокатлик фирмаси ва аъзоликка асосланган, аъзолар сони 10 кишидан кам бўлмаган адвокатлар ҳайъати каби тушунчалар киритилди.

Адвокатуранинг самарали ўзини ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизими ташкил қилинди. Бу марказлашган тизим Адвокатлар палатаси бўлиб, қонунда палатанинг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари белгилаб берилди.

Адвокатлар палатасининг асосий вазифаларидан бири сифатида адвокатлар томонидан қонунчилик, касб этикаси қоидаларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш, яъни адвокатга нисбатан интизомий иш кўришга қаратилган меъёр киритилди. Бундан кўринадики, адвокатга қўйилган ҳам ахлоқий, ҳам маънавий талаб асосан қонунчилик ҳамда касб этикаси қоидаларига риоя қилиш билан белгиланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, адвокатура институтининг такомиллаштирилиши натижасида суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришга, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлашга, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлашга, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдиришга, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтиришга, касбининг обрўси ва нуфузини оширишга эришиш мумкин.

**Гулмира ТУРУМОВА,**
**Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ходими**

**ИЗШУНОСЛИК СОҲАСИ эксперт-криминалистлари хулосалари жиноятларни очишда ёки жиноятчи айбини исботлашда муҳим рол ўйнайди.**

Эксперт хотиралари

# Тилсиз гувоҳлар

## одил судлов хизматида

БИР ВОҚЕА ҳалиям эсимда. Баҳор кунлари эди. Бир гуруҳ ёшлар Чирчиқ дарёси бўйига дам олиш учун чиқади. Дам олувчилардан бири дарёдан сув олмоқчи бўлганида сувдан чиқиб турган одам қўлини кўриб, даҳшатга тушади.

Тезда етиб келган милиция ходимлари мурдани кўздан кечириб, унинг оёғи бетон плитага бойланганини аниқлашди. У ашёвий далил сифатида олиниб, иш материалларига қўшиб қўйилди.

Суд тиббий экспертиза жабрланувчи бўғиб ўлдирилганини, кейин сувга ташланганини, сувда камида бир ой ётганини аниқлади.

Тергов жараёнида ўлган одамнинг шахси аниқланди. Унинг танишлари, атрофидаги одамлар билан муносабати суриштирилганда, ўлдирилган одамга қарз бўлган шахс қотилликда айбдор, деган шубҳа туғилди. Лекин гувоҳлар қотилликда гумон қилинаётган шахс ўлган одамдан катта миқдорда пул олиб қайтармаганини айтишса-да, у қарздорлигини инкор этди.

Гумондорнинг айбини исботловчи далиллар топилмади: сув мурдада қолиши мумкин бўлган майда зарраларни-да ювиб кетган эди. Мурда чирий бошлагани туфайли у нима билан бўғиб ўлдирилганини ҳам аниқлашнинг иложи бўлмади.

Тергов боши берк кўчага кириб қолиши мумкин эди, агар республика Бош прокуратурасининг тажрибали терговчиси вазиятни тўғри баҳолаб, мурдани дарёга ташлаш учун бетон плита билан бирга автомашинада олиб келинган, шу автомашина гумондорга тегишли "ВАЗ-2106" русумли автомашина бўлиши мумкин, деган хулосага келмаганида.

Автомашинани кўздан кечириш жараёнида унинг юкхонасида майда қирилган жойлар борлиги аниқланди. Шунга асосан изшунослик экспертизаси тайинланди ва бир қанча эксперт тажрибалари ўтказилди. Ҳаракатлар зое кетмади: ўтказилган микроскопик тадқиқотлар, текширилаётган юкхонадаги излар ҳамда эксперт тажрибалари натижасида ҳосил бўлган излар хусусиятларини таққослаш уларнинг умумий ва хусусий белгилар бўйича бир хиллигини, бу белгилар йиғиндиси индивидуал ва қайтарилмас белгилар мажмуасини ташкил қилишини кўрсатди. Ушбу ҳолат юкхонадаги қирилган жойлар ҳақиқатан ҳам бетон плитанинг учи тегиши натижасида ҳосил бўлгани тўғрисида хулоса қилишга асос бўлди. Эксперт хулосасини энг замонавий таққослаш микроскопи ёрдамида олинган фотосуратлар билан кўргазмали қилиб, далилий моҳиятини очишга эришилди.

Гумондор шахс эксперт хулосаси билан танишиб чиққандан сўнг ўз айбига иқрор бўлди.

Шундай қилиб, эксперт хулосаси қотилни фош этишда асосий айбловчи далил бўлиб хизмат қилди.

**Ольга МАРШАНСКАЯ,**
**Адлия вазирлиги қошидаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази катта илмий ходими**




"Фарғонапахтасаноат" ҳудудий бирлашмаси ва тизимдаги очиқ акциядорлик жамияти жамоалари

*барчангизни меҳр-мурувват, гўзаллик, яшариш ва бағрикенглик тимсоли бўлган, халқимизнинг умрбоқий анъаналари, удумлари мужассамлашган Наврўз айёми билан чин дилдан муборакбод этади. Юртимизнинг ҳар бир гўшасидаги оилаларга тинчлик, омонлик ва фаровонлик тилайди.*

"Қашқадарёпахтасаноат" ҳудудий бирлашмаси ва тизимдаги очиқ акциядорлик жамияти жамоалари

мамлакатимизнинг барча фуқароларини, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини, юртимиз фермер ва тадбиркорларини яшариш ва янгиланиш фасли — Наврўзи олам билан самимий қутлайди, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барака, қалбингизга қувонч тилайди.

# Баҳор бўлиб яшайлик...



Бадиҳа



*Баҳор севги фасли.*
*У этар шайдо.*
*Дилларни мафтункор*
*ёқмоғи билан*
*Севги ҳам шу тарзда*
*бўлади пайдо.*
*Ёмғири, қуёши,*
*чақмоғи билан...*

ТАБИАТ кечаги кунини гўё тушида кўргандек фаромушлик-ла илиқ тонгга бағрини тутди. Қирлар-адирлар шу қадар шижоат суръати ила ястаниб, Яшил денгиз бўлиб жамолланиб, қалбларга қувонч бахшида этишга шай...

Кўз ўнгимизда бодом шохлари куртакланиб бутун гўзаллигини нигоҳларда муҳрлади. Бутун борлиқ алланечук сеҳр ва ҳарорат бағрида. Қуёш мангуликка дахлдорлигини яна бир бор намойиш этаяпти...

Қанотида кўкламни келтирган қалдирғоч яна айвонимда қўним топди. Ҳовли этагининг у ер, бу ерида момоқаймоқ чирой очди. Тупроқ ҳовури кўтарилган...



*Бамисли шудрингдай*
*қалқиб турган чол*
*Боладай баҳорга боқар*
*сукланиб,*
*Руҳинг камалаклар*
*силсиласидан,*
*Кириб келгандайин*
*ҳозир уйғониб...*

Кекса чинор ҳам уйғонган. Кўнглим алланечук тафтни, ҳароратни сезяпти. Қиш бўйи соғинганим — баҳорни қаршилаш қандай соз.

Баҳор, балким шунинг учун ҳам фаслларнинг аълоси, навқирони бўлиб сўзимизда, идрокимизда шаклланган. Баҳор уйғоқ кунлар шижоатини, меҳр-муҳаббат, яшаш завқини руҳимизда яна бир бор янгилайди, улуғлайди.

*Умринг шалолалар*
*қўшиғи бўлиб,*
*Тераклар баргига*
*айтса сирингни.*
*Баҳор онанг каби*
*синглингдай кулиб,*
*Ёмғирлари ила ювгай*
*шўрингни.*

Қайси бир рассом шаҳарда яшаб туриб, баҳорни яшил яйдоқ ўтлоқларда, ажиб либосларда (турфа ранг бўёқларда) юриб, гўё учиб келаётган сулув мисолида кўрсатиши, тасвирлаши бежиз эмаслигини кўнгилдан ўтказасиз... Қулоққа сирли шивир-шивирлар чалинади...

*Пешонанг ярқираб*
*боқасан кунга,*
*Тунлар уйқу бермас*
*ивир-чивирлар...*
*Пахса деворларнинг*
*ортидан ногоҳ,*
*Қулоққа чалинар*
*шивир-шивирлар.*

Ўрик, олма, олча гуллари ҳиди билан сумалак бўйига қўшилиб, қоришиб юртим овулларидан тараляпти. Айтинг, бу ис, қайси гўшада бор? Ватан ҳиди менинг қалбимга шундай кўчган. Бугун ўзбек ёшларининг идрокида ана шу Наврўз ҳиди билан Ватан туйғуси уйғунлашиб юракларга жо бўлаётганлигини мамнуният билан айтиш жоиз.

Заҳмли совуқ кунлар ортда қолди. Баҳор келди, адирлар лолақизғалдоқ ривожидан алвон бўлди, матонатли тоғлар мудроқдан кечиб, ажиб туйғуни ҳис этиб, саловат тўкиб турибди. Мевали боғларда дарахтлар бирдек қийғос гулларга бурканган.

*Кўкда ой биринчи*
*бўсадай ширин,*
*Оҳ, мангу баҳорни*
*истайди одам.*
*Ҳатто, қабристонда барқ*
*урар баҳор,*
*Тирилтирмоқчидай*
*ўтганларни ҳам...*

Оташнафас баҳор — бутун оламга жон бериб, ҳаёт қўшиғини айтаяпти.

Баҳор инсон онгидаги, шууридаги ажиб суврат, эндигина атак-чечак қилаётган болакайнинг онги-дунёсига муҳрланувчи боқий манзара.

Ана, тўқсон беш баҳорни қаршилаётган Элмурод бобо субҳидам тонгда ўзини тетик навқирон сезаяпти. "Каттақум" томонлардан келаётган баҳор ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олаяпти. Навқиронлик йиллари ҳовли этагига ўтқазган кекса ўрик дарахти билан ҳар баҳорда саломлашади, дардлашади. Мўйсафид ўзича ўрикнинг ҳосилдан қолган шохларини чамалайди. Данагидан униб чиққан ниҳолларга термулиб "Баҳор яратувчи, яшнатувчи, улғайтирувчи..." деяётгандай пичирлайди... Ҳув нарида неваралари "Бот байроқ" тайёрлаш завқига шўнғиб кетган. Баҳор ўзбек ҳовли-хонадонларига шундай кириб келяпти.

"Каттақум" соҳилида кўклам қисқа умр кўрса-да, қиёслаб бўлмас манзара касб этади. Чўл қўриқчилари саксовул, жинғил буталари алвон аралаш яшилликка бурканиб, саҳро жамолини кўз-кўз қилади. Қиш бўйи пана-панада жон сақлаган чўл жониворлари ғимирлаб қолишган. Қуён, товушқон, тустовуқ, тулки, шоқол, ҳатто тошбақа янги ҳаёт измида табиатда кезиб юрибди. Ҳар бир жонзотни, майсани, борингки, қиёқ қамишни — бутун оламни қутлагим келади.

*Тангрининг чиройи акс*
*этган баҳор*
*Менинг ҳам руҳимга*
*назар ташласа,*
*Қачондир кўксимда*
*тош қотган юрак*
*Мабодо, шодликдан*
*куйлай бошласа.*
*Бизга насиб этмиш*
*ғунчанинг бахти*
*Баҳор осмонида бир*
*чақин бўлмоқ*
*Тангрининг энг буюк*
*иноятидир —*
*Баҳордай туғилиб,*
*баҳордай ўлмоқ...*

Аслида баҳор ўлмайди. У мангу юрагимизда яшайди. Ёз бўлиб, куз бўлиб... теграмизда айланаверади, айланаверади.

Бахшилар юрт ҳақида достон айтаяпти. Кайвони момолар Наврўз оҳангила лапар-ўланлар куйлаяпти. Эл болалари "Оқ байроқ", "Қизил байроқ", "Чиллак", "Бот-байроқ" ўйинларига шўнғиб кетган. Алп эр йигитлар "Улоқ-кўпкари", "Кураш" davраларини бошлаб юборишган. Миллат сулувлари "Баҳор тўйи"да иштирок этиш учун ўзларига оро беришяпти.

Бутун оламга ҳайқиргинг келади. Қалбингдан чиққан нидо қўшиқ бўлишини истайсан... Шоирга тан бериб, ички бир илинж билан шеър ўқийсан:

*Ғамни унут, юзлан баҳорга*
*Ишқ шароби элитсин қоним.*
*Бу дунёда жўшиб, ҳайқириб,*
*Баҳор бўлиб яшайлик, жоним!*

**Бахтигул ЭЛМУРОДОВА,**
**журналист**

# Устуворлик йўлида

**ЭРКИНЛИК — қонун измида бўлишдир, дейди донишмандлар. Дарҳақиқат, ўз ҳақ-ҳуқуқини билган, айни пайтда мажбуриятларини чуқур ҳис қилган инсонгина жамиятда эркин яшай олади. Айни пайтда, ҳуқуқий саводхонлиги юқори бўлган аҳоли жамиятда қонун устуворлигини таъминловчи асосий кучга айланади.**




ШУ БОИС, юртимизда аҳолининг, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш борасида кўплаб ибратли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Навоий вилоятида ҳам бу жабҳада олиб борилаётган ишларга ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, адлия бошқармаси ва ФҲДЁ бўлимлари вакиллари фаол жалб қилинган. Бу эзгу ва хайрли ишда нотариал идоралари ходимлари ҳам иштирок этиб, таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда учрашув ва давра суҳбатлари, турли танловлар ўтказиб келишмоқда. Долзарб мавзуларда ўтказилаётган мазкур тадбирлар, айниқса, ўқувчи ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳуқуқий тарғибот ишларини режали асосда ташкил этишда вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Сайёра Жуманова сингари илғор ҳуқуқшуносларнинг ҳиссаси сезиларли бўлмоқда. Ибратли фаолияти бир неча бор Адлия вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган Сайёра опа каби тажрибали устозларимиздан амалий фаолиятимизга нафи тегадиган кўпдан-кўп билимларни ўрганиб келаётганимиздан мамнунмиз.

**Азамат ТОШОВ,**
**Хатирчи туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус**


## Азиз ватандошлар ва юртимиз меҳмонлари!

**Очиқ акциядорлик тижорат банк "Пахтабанк"дан янги имкониятлар таклифи.**

***Энди Сиз VISA Card ни Пахтабанкда олишингиз ҳамда дунё бўйлаб молиявий эркинлигингизни, ижтимоий фаровонлик ва ишончли келажагингизни қўлга киритишингиз мумкин!***

**Visa Electron** - *дунё амалиётида қулай бўлган тўлов карта бўлиб, илк бор тўлов картасини қўллаётган истеъмолчилар ҳамда чекланган даромадли мижозлар, талабалар учун, ёшлар учун таклиф этилади.*

**Visa Classic** - *универсал тўлов картаси ҳисобланиб, бутун дунёнинг ҳамма банкоматларида, реал ва виртуал дўконларида ҳамда телефон ва почта хизмати орқали маҳсулотларни харид қилиш дўконларида фойдаланиш учун қулайдир.*

**Visa Gold** - *энг нуфузли тўлов карта ҳисобланиб, бошқа хизматларга қўшимча равишда Сизга дунё бўйлаб саёҳатга чиққанингизда лозим бўлган ҳолларда тиббий ёрдам ва юридик хизматлари кўрсатилади.*




*VISA Card ларга эга бўлишингиз учун Пахтабанк филиалларига мурожаат қилинг.*

*Мурожаат учун телефонлар: 150-53-43, 150-85-27.*


## ЭЪЛОН!

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги Чимбой тумани давлат нотариал идораси нотариуси ва Хўжайли тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимига;**

**Наманган вилояти адлия бошқармаси Уйчи тумани давлат нотариал идораси нотариуслик лавозимига;**

**Навоий вилояти адлия бошқармаси Зарафшон шаҳар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ва Конимех тумани давлат нотариал идораси нотариуслик лавозимига**

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

*Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*
*7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.*

*Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.*

**Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва тегишли вилоят адлия бошқармаларига мурожаат этишлари лозим.**

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги телефонлари: (8-361) 223-15-82, 223-81-27**
**Наманган вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8-369) 226-36-62, 226-26-73**
**Навоий вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8-436) 223-01-38, 223-95-90**

## ЭЪЛОН!

**Тошкент Давлат юридик институти қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:**

**1. "Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи"** кафедраси бўйича;
**Кафедра мудири — 1.**
**2. "Конституциявий ҳуқуқ"** кафедраси бўйича;
**Профессор — 1,**
**Ўқитувчи — 1.**
**3. "Жиноят процесси"** кафедраси бўйича;
**Доцент —1.**
**4. "Ижтимоий гуманитар фанлар"** кафедраси бўйича;
**Доцент — 1,**
**Катта ўқитувчи — 1.**
**5. "Фуқаролик ҳуқуқи"** кафедраси бўйича;
**Ўқитувчи — 1.**
**6. "Давлат ва ҳуқуқ тарихи"** кафедраси бўйича;
**Ўқитувчи — 1.**
**7. "Хорижий тиллар"** кафедраси бўйича;
**Ўқитувчи — 1.**
**8. "Ўзбек ва рус тиллари"** кафедраси бўйича;
**Ўқитувчи — 1.**
**9. "Жисмоний тарбия"** кафедраси бўйича;
**Ўқитувчи — 1.**

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

***1. Ректор номига ариза;***
***2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;***
***3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвонлар ҳақидаги аттестатлар нусхалари;***
***4. Илмий ишлар рўйхати.***
***Танловга ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.***

**Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 19-хона.**

**Телефон: 236-09-39, 233-66-36.**

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2009 йил 16 мартдаги 02-сонли йиғилиш қарори билан Гулистон шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси Сагатова Наргиза Турғинбоевнага 2005 йил 12 январь куни берилган SI 000048 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланувчи лицензиясининг амал қилиши икки ой муддатга тўхтатилди.


ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимбергановнч
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-215. Тиражи — 21912. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00 [t] — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru
1 2 3 4 5 7